

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

---

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

6-2021

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

# FarDU. ILMIY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК.ФЕРГУ

**Муассис:** Фарғона давлат университети.

«FarDU. ILMIY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК. ФерГУ» журнали бир йилда олти марта чоп этилади.

Журнал филология, кимё ҳамда тарих фанлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Журналдан мақола кўчириб босилганда, манба кўрсатилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 2 сентябрда 1109 рақами билан рўйхатга олинган.

Муқова дизайнни ва оригинал макет FarDU таҳририят-нашириёт бўлимида тайёрланди.

## Таҳрир ҳайъати

**Бош муҳаррир  
Масъул муҳаррир**

ШЕРМУҲАММАДОВ Б.Ш.  
ЗОКИРОВ И.И

ФАРМОНОВ Ш. (Ўзбекистон)  
БЕЗГУЛОВА О.С. (Россия)  
РАШИДОВА С. (Ўзбекистон)  
ВАЛИ САВАШ ЙЕЛЕК (Турция)  
ЗАЙНОБИДДИНОВ С. (Ўзбекистон)

JEHAN SHAHZADAH NAYYAR (Япония)  
LEEDONG WOOK. (Жанубий Корея)  
АЪЗАМОВ А. (Ўзбекистон)  
КЛАУС ХАЙНСГЕН (Германия)  
БАХОДИРХОНОВ К. (Ўзбекистон)

ҒУЛОМОВ С.С. (Ўзбекистон)  
БЕРДЫШЕВ А.С. (Қозоғистон)  
КАРИМОВ Н.Ф. (Ўзбекистон)  
ЧЕСТМИР ШТУКА (Словакия)  
ТОЖИБОЕВ К. (Ўзбекистон)

## Таҳририят кенгаши

ҚОРАБОЕВ М. (Ўзбекистон)  
ОТАЖОНОВ С. (Ўзбекистон)  
ҮРИНОВ А.Қ. (Ўзбекистон)  
РАСУЛОВ Р. (Ўзбекистон)  
ОНАРҚУЛОВ К. (Ўзбекистон)  
ГАЗИЕВ Қ. (Ўзбекистон)  
ЮЛДАШЕВ Г. (Ўзбекистон)  
ХОМИДОВ Ф. (Ўзбекистон)  
ДАДАЕВ С. (Ўзбекистон)  
АСҚАРОВ И. (Ўзбекистон)  
ИБРАГИМОВ А. (Ўзбекистон)  
ИСАФАЛИЕВ М. (Ўзбекистон)  
ТУРДАЛИЕВ А. (Ўзбекистон)  
АХМАДАЛИЕВ Ю. (Ўзбекистон)  
МҮМИНОВ С. (Ўзбекистон)  
МАМАЖНОВ А. (Ўзбекистон)  
ИСКАНДАРОВА Ш. (Ўзбекистон)  
ШУКУРОВ Р. (Ўзбекистон)

ЮЛДАШЕВА Д. (Ўзбекистон)  
ЖЎРАЕВ Х. (Ўзбекистон)  
КАСИМОВ А. (Ўзбекистон)  
САБИРДИНОВ А. (Ўзбекистон)  
ХОШИМОВА Н. (Ўзбекистон)  
ФОФУРОВ А. (Ўзбекистон)  
АДҲАМОВ М. (Ўзбекистон)  
ҮРИНОВ А.А. (Ўзбекистон)  
ХОНКЕЛДИЕВ Ш. (Ўзбекистон)  
ЭГАМБЕРДИЕВА Т. (Ўзбекистон)  
ИСОМИДДИНОВ М. (Ўзбекистон)  
УСМОНОВ Б. (Ўзбекистон)  
АШИРОВ А. (Ўзбекистон)  
МАМАТОВ М. (Ўзбекистон)  
ХАКИМОВ Н. (Ўзбекистон)  
БАРАТОВ М. (Ўзбекистон)  
ОРИПОВ А. (Ўзбекистон)

**Муҳаррирлар:**  
Ташматова Т.  
Жўрабоева Г.  
Шералиева Ж.

**Таҳририят манзили:**  
150100, Фарғона шаҳри, Мураббийлар қўчаси, 19-үй.  
Тел.: (0373) 244-44-57. Мобил тел.: (+99891) 670-74-60  
Сайт: [www.fdu.uz](http://www.fdu.uz)

Босишга руҳсат этилди:

Қоғоз бичими: - 60×84 1/8

Босма табоғи:

Офсет босма: Офсет қоғози.

Адади: 50 нусха

Буюртма №

ФарДУ нусха кўпайтириш бўлимида чоп этилди.

**Манзил:** 150100, Фарғона ш., Мураббийлар қўчаси, 19-үй.

Фарғона,  
2021.

---

<b>М.Исломова, Ҳ.Жўраев</b>	
Қуш тимсоли ва ижтимоий-фалсафий масалалар талқини .....	189
<b>О.Абобакирова, М.Жабборова</b>	
Ўзбек болалар ҳикояларининг жанр хусусиятлари .....	192
<b>Г.Касимова</b>	
Чет тили дарсларида вербал ва новербал мурлоқот .....	196
<b>М.Рахмонов</b>	
Сўзнинг саломатликка таъсири .....	199
<b>М.Амонов</b>	
Туркий изофанинг функционал табиати хусусида .....	202
<b>Г.Умаржонова</b>	
Немис ва ўзбек тилларида “hand – қўл” компонентли соматик фразеологизмларнинг эквивалентлик ҳодисаси .....	206
<b>Х.Шокирова</b>	
Лисоний белги концепцияси .....	209
<b>З.Маруфова</b>	
“Гўзаллик” тушунчасининг лингвопоэтик талқини .....	212
<b>И.Аҳмаджонов</b>	
Шахс оти ясовчи морфемалар семантикасига доир .....	215
<b>Н.Махмудова</b>	
Ўзбек тилидаги телекоммуникация терминларининг семантик хусусиятлари .....	219
<b>А.Ахтямов</b>	
Реклама матнларининг таркибий қисмларини прагмалингвистик таҳлили .....	222
<b>З.Маматқулова</b>	
Ўзбек куполчилик терминларининг лисоний тавсифи .....	226
<b>Х.Максудова</b>	
Умумфойдаланиш учун белгиланган эмотив луғат .....	230
<b>Э.Абдуллаева</b>	
Миллатлараро мурлоқот турли маданият вакилларининг ўзаро тушуниш муҳити сифатида .....	234
<b>Ш.Хошимова</b>	
Муса Жалил шеърларида “баҳт” тушунчаси ва унинг талқини .....	238
<b>Ф.Абдурахимова</b>	
Сўз ясалишида ички форма .....	243

---

#### ТАРИХГА БИР НАЗАР

Фарғона давлат университети тарихига доир .....	245
<b>ФАНИМИЗ ФИДОЙИЛАРИ</b>	
Қадимшунослик соҳаси билимдони .....	247

## ЛИСОНИЙ БЕЛГИ КОНЦЕПЦИЯСИ

### КОНЦЕПЦИЯ ЯЗЫКОВОГО ЗНАКА

### THE INFLUENCE OF THE WORD ON THE HEALTH

Шокирова Ҳавасхон Нурмаматовна<sup>1</sup>

<sup>1</sup>Шокирова Ҳавасхон Нурмаматовна

– Құқон давлат педагогика институти, филология фанлари номзоди, доцент.

#### Аннотация

Мақолада лисоний белги масаласи, белгінинг муносабаты ва семиотик имкониятлари ҳақида сүз юритилади.

#### Annotation

В статье обсуждается проблема языкового знака, отношения и семиотические возможности знака.

#### Annotation

This article discusses the problem of the linguistic sign, the relationship of the sign, and semiotic possibilities.

**Таянч сүз ва иборалар:** тил, нұтқ, семиотика, семантика, прагматика, риторика, иконик, индекс, символ, квалисигнум, легисигнум, синсигнум, дицисигнум, рема, аргумент.

**Ключевые слова и выражения:** язык, речь, семиотика, семантика, прагматика, риторика, иконический, индекс, символ, квалисигнум, легисигнум, синсигнум, дицисигнум, рема, аргумент.


**Key words and expressions:** language, speech, semiotics, semantics, pragmatics, rhetoric, icon, index, symbol, qualisignum, legisignum, sinsignum, ditsisignum, rema, argument.

Тил белгиси моддий тузилмадир. У воқеликдаги предметни, хусусиятни, муносабатларни англатади. Тил белгиларининг мажмуди белгилар системасининг вужудга келишига олиб келади. Ушбу система муайян мантиқий мазмун ва фонематик жиҳатдан бир-бирларидан ажрала оладиган белгилар йиғиндисидан иборат. Лисоний белгининг бу икки аспекти инсон онгига доимий боғлангани ҳолда турғун бирикувни ҳосил қиласы да ижтимоий аҳамиятта молик маънени англатади. Бу иккала аспекттнинг ажралмаслиги, ягона бутунлиги асосида борлиқнинг муайян бир бўлаги, яъни алоҳида воқеа ва ҳодисалар инсон онгига ўз аксини топади ва лисоний ифодаланади. [Нурмонов А. 2012.-Б .76.] XIX асрда яратилган белгилар системасига бағишлиланган фалсафий асарлар орасида Ч.С.Пирснинг асари алоҳида ажралиб туради. [Пирс.Ч.2009.85] Семиотиканинг асосчиси деб саналувчи Ч.Морриснинг Ч.С.Пирс қарашларига таяниши бежиз эмас. [Моррис Ч. 2001.45] Гарчи Ф.де Соссюрнинг «Умумий лингвистика курси» асарида Ч.С.Пирс асарларига ишора сезилмаса ҳам, аммо бу икки олимнинг белгилар ҳақидаги қарашларида бир-бирига жуда ўхшашлик мавжуд. [Ф.де Соссюр1956.336] Шунинг учун Р.О.Якобсон: «Икки олимнинг белгилар системасини ўрганишдаги ҳаракатида қандайдир генетик алоқа борми ёки фикрий мувофиқликни учратамизми, деган масалани ҳал қилиш жуда қизиқарли бўлар эди», деганди. [Нурмонов А.2012.-Б. 76-78.] Ч.Пирс таклиф қилган семиотик тизим маълум даражада изчил ва мантиқий яхлитликка эга. Олим тафаккур, тушунча, онг белги ёрдамида мавжуд бўлишини исботлади:

Тафаккур → тушунча → онг = белги

Семиозисни қуйидаги кўринишда тасвирлади:


Семиозис



Ч.Пирснинг белгиларни таснифлаши белги ҳақидаги тасаввурларга ойдинлик киритди. Белгиларни уч тоифага бўлганидан сўнг, уларнинг фарқли жиҳатларига кўра ёндашди:

Белги		
ИНДЕКС (табиий белгилар: инсон ва унинг оёқ изи)	ИКОНИК (фотосурат, карта, товушга тақлидлар, график, жадвал, диаграммалар)	ТИМСОЛ (ҳарф, сўз, араб рақамлари)

Семиозис ҳақидаги фикрларини тилшунос олим Ф.де Соссюр бирор бошқача ифодалайди:



Ч.Пирс белгиларни биринчи маротаба тасниф қиласди. У таснифда белгининг моддий томонини – ифодаловчи билан ифодаланмиш ўртасидаги фарқланишни асослади. Ана шу белги асосида Ч.Пирс белгиларни уч катта гурухга ажратади:

1. Санам белгилар. Бундай белгиларда ифодаловчи маълум даражада ифодаланмиш билан ўхшашликка эга бўлади (масалан, ҳайвонларнинг тасвир белгиси сифатида акс эттирилиши.) Иконик, яъни санам белгилар ҳаётда режа асосида ўз ифодасини топади. Булар расм, рентген сурати, схемалар, диаграммалардир.

2. Индекс белгилар. Бундай белгиларда ифодаловчи ифодаланмиш билан сабабнатижка ёки бошқа муносабат (яқинлик, макон ва замондаги боғлиқлик ва ҳоказолар) орқали боғланади. Масалан, тутун оловнинг индекс белгиси саналади. Бу каби белгилар режа асосида тузилган мазмунни кўрсатади (йўл белгиси, имзо, Эйфель минараси- Париж рамзи, визиткалар, рекламалар). Бундай белгиларни миллатимиз ҳаётида ҳам кенг учратамиз: ёғ ҳиди – овқат ёки ошхона борлигидан дарак берса, исириқ ҳиди – кўз олдимишга исириқ ўсимлигининг тайёр куритилган, сотув учун мўлжалланган ҳолати келади ёки кўз тегмаслиги учун бажарилиши лозим бўлган амал ва яна касаллиқдан сақланиш учун восита белгисидир.

3. Символ белгилар. Бундай белгиларда ифодаловчи билан ифодаланмиш ўртасида шартли, конвенционал, мотивланмаган муносабат мавжуд бўлади. Бу муносабат эркин ва маълум қоида асосида вужудга келади. Ана шу жиҳатдан лингвистик белгилар символ белгиларга ўхшайди. Белгилар типологиясида алоҳида ўрин эгаллади. [Нурмонов А.2012.57.]

Рамз – белги режанинг мазмунига ҳеч қандай умумий алоқаси бўлмаган ҳолда акс этади – атиргул – муҳаббат рамзи, кабутар – тинчлик рамзи, герб – мамлакат рамзи, пул бирлиги–моддий муомала ва ҳоказо. [Степанов Ю.С. 2006.113.] Олимларнинг белгилашича, белги лисонда кўрсатиш ва ишора вазифасини олиб, қуидагича кўринишда таснифланади: 1) квалисигнум – аниқ белгига ишора сифатида берилади. Масалан, у ўн уч рақами ва қизил ранг маъноларини ифодалаганда (икона, рема мазмунини ифодалайди) қизил ранг тўлқинланиш, кучайиш маъноларига ишора қилиб, қисмларни қайта ишлаш сифатида ҳосил бўлади. Қизил ранг – қайноқлик, жўшқинлик – кучли ҳиссиёт белгиси ёки қон ранги; ўн уч

## ИЛМИЙ АХБОРОТ

рақамининг эса турли халқарда ифодаси ҳар хил. Баъзи халқ урф – одатига кўра, ушбу рақам баҳтсизлик белгисидир ва салбий маънода акс этади. 2) легисигнум-символ-умумийлик маъносини англатади, символ – рамз, белгилар тизими (реклама, открытие). Легисигнум синсигнумни талаб этади. Синсигнум – индекс, белгининг хусусий акс этишидир (интервью, тўғридан-тўғри трансляция). Индивидга тегишли белги ҳисобланади (жонли эфир, интервью бериш). Муаммога Ч.С.Пирс тадқиқотлари га кириш ва талқин этиш нуқтаи назари билан ёндашиш мумкин: бунда синсигнум ва легисигнум (*sinsign, legisign*) чегарасини аниқлаш талаб этилса, синсигнум – бу, бир қадар аниқ, белги вазифасини бажарувчи, легисигнум эса мавжуд қонун ҳисобланади. Қайсики лисоний ҳаққонийлик сифатида кўринади. Масалан, “уй” – бу синсигнум, инглиз тилидаги “house”, немис тилида “haus”, испан тилида “casa”, тоҷик тилида “хона”, қирғиз тилида “уй”, рус тилида “дом” сўзи, бу сўз эса “битта” деган маънени англатади ва у кўп сонлиликни билдиради. Ч.С.Пирс синсигнум ва легисигнумнинг фарқланишини белги ҳақидаги ўз таснифининг асоси этиб белгилаган; бу фарқланиш белги феномени доирасидаги қонуният бўлиб, объектив характерга эга. [Пирс.Ч.С.2009.-С.88-95.] Ю.С.Степанов “...белги сўзловчига боғлиқ” дейди ва конверсиянинг денотатга муносабати ҳақида сўз юритади. [Степанов Ю.С. 1983.636]. Белгининг ижтимоий ҳаётга муносабати санам (иконик), индекс белги ва рамз ҳолида инъикос этишидир. Белгининг интерпретаторига муносабати рема саналади. У шу пайтга қадар маълум бўлмаган “янги” деган маънени англатади. Дицисигнум – гап баёни рема билан тўлдирилган бўлиб, белги ўзи ҳақидаги хабарни баён этади. Аргумент – исбот, онгли тугалланма, мураккаб синтагма, умумлашган белги, ниманингdir тескари тушунчасидир. Символ (рамз) белги – ҳайвонларда бундай белгилар мавжуд эмас. Инсондаги белгиларга мимика, жестлар, этикет, маданият конвенцияси, либос (никоҳ либоси) ва ритуаллар (маросимлар: зиёфат, таъзия), санъат белгилари, шахмат нотацияси (шартли ёзма белгилар системаси), мусиқа нотацияси, физик белги, кимё, математик белгилар киради. Индекс белги – объектга тўлиқ мос келмайдиган белгидир. Масалан, биокоммуникация- чумолилар ҳиди, инсон мимикаси ва бармоқ билан кўрсатувчи жестлар киради. Ч.С.Пирс ҳаракатларнинг уч хил синфиини келтиради: а) белги ҳисобланмайдиган ҳаракат- тананинг психологияк ҳаракати ва физиологик жараёни; б) симптом- белги- нарсанинг турли хил ҳолатига ишора; в) белги – ҳаракат-коммуникатив мазмундаги белги. Санам (иконик) белгилар – биокоммуникациялар: инсон мимикаси: товушга тақлид қилиш (ва унинг акси). Идеофонлар- объективнинг шаклини ифодаловчи сўзлар (катта, қисқа, узун). Синтаксисдаги санам белги: диаграммалик, индивидуал нутқ сифатида, масалан, узооқ юрди; кўйўп гапидори каби бирликлар; санам (иконик) белгиларга- график: хат боши (обзац), шрифт, ҳар қандай график кўриниш, бўлимлар ва сатрлар орасини очиб қўйиш кабилар тушунилади. Августин Блаженний ўрта аср фалсафасига белги концепциясини киритиб, шундай ёзганди: “Белги – инсон танасида вужудга келган тийғу ва айни пайтдаги онг ифодаси”. [Августин Блаженний.2018.492.]

Кўринадики, инсон ҳаёти лисоний белгилар билан боғлиқ. Семиотик бирликлар бўлган ушбу белгилар инсон муносабати, идроки ва ўзининг намойиши ифодасидир. Тил ана шундай белгилар системаси экан, лисоний белги концепцияси ўзининг долзарблигини йўқотмайди.

### Адабиётлар:

- 1.Августин Блаженный. ОТроице. –М.: Рипол классик. 2018.
- 2.Арутюнова Н.Д. Истоки, проблемы и категории прагматики // Новое в зарубежной лингвистике /М.: Прогресс, 1985.-Вып.16. Лингвистическая прагматика.
- 3.Искандарова Ш. Лексикани мазмуний майдон сифатида ўрганиш. -Т., Фан, 1998.
4. Моррис Ч. Основания теории знаков. Академ. Проект,-2001.
- 5.Нурмонов А. Избранные произведения.-Т.: Академнашр,2012.-С 2012.
- 6.Пирс.Ч.С. Что такое знак? Вестн.Томского гос.унта.Сер.Философия. Социология. Политология.-2009.-№3(7).
- 7.Степанов Ю.С. Семиотика. - М .: Радуга, 1983.
- 8.Степанов Ю.С. Семиотика: антология. М., Академия-Центр. 2000.

(Тақризчи: Ш.Искандарова – филология фанлари доктори, профессор)